



# Ishonch

**Моҳият**

Ўз меҳнати,  
ақл-заковати ва  
салоҳияти билан  
ўзини ўзи боқадиган,  
ўзини ҳимоя  
қилишга, келажак-  
гини ўз қўли билан  
қуришга қодир  
бўлган халқни  
жаҳон аҳли  
эътироф этади.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ СИРАТ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва 12-13 октябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бу яна бир бор ёрқин намоён бўлди



Ярмаркада 600 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди. Ярмарка ниҳоясига етган бўлса-да, шартномалар тузиш ишлари давом этмоқда. Негаки, Ўзбекистонда етиштирилган пахта ва ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорига талаб катта.

Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2005 йилдан буён уларнинг сони икки баравар кўпайди. Масалан, бу йилги еттинчи ярмаркада дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ошқ вакили қатнашди. Хорижий ишбилармон доиралар манфаатдорлигининг ошаётгани жаҳон пахта бизнесида муҳим воқеалардан бирига айланган ушбу ярмарканинг аҳамияти ҳамда маъқеи юқорилигидан, мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга, унинг мунтазам юқалиб бораётган иқтисодий салоҳиятига қизиқиш ортиб бораётганидан далolatдир.

Ярмарка хорижий иштирокчиларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон барча харидорлар учун тенг имкониятлар яратиши билан пахта толасини экспорт қилувчи бошқа давлатлардан ажралиб туради. Контракция ҳажми, етказиб бериш шартлари бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ. Мамлакатимиздаги ташқи савдо компаниялари сотишнинг замонавий ва самарали услубларини қўллаган ҳолда қайта маркетинг стратегиясини амалга оширмоқда, толани кафолатли, бир маромда ва барқарор етказиб беришни таъминламоқда.

Ярмаркада Ўзбекистон энгил саноати корхоналарининг кенг турдаги маҳсулотлари, жумладан, йирилган ип, полатно, матолар, тайёр тикувчилик трикотаж ҳамда шойи буюмлар намоён этилди.

Мамлакатимизда кулай инвестиция муҳити яратилган. Ўзбекистон барқарор ҳомашё база-



си, энергия ресурслари, юқори малакали кадрларга эга. Буларнинг барчаси хорижлик шериклар билан ҳамкорликда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий тўқимачилик комплексларини барпо этиш ва фойдаланишга топшириш имконини бермоқда. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 2,6, уларни экспорт қилиш 2 баравар ошди. Бугунги кунда Ўзбекистон корхоналарида ўзимизда етиштирилган пахта толасининг учдан бир қисминдан кўпроги қайта ишланмоқда. Яқин йилларда етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини мамлакатимизда қайта ишлаш режалаштирилмоқда. Умумий қиймати 1,7 миллиард АҚШ доллари бўлган янги 55 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Бугун Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг қирқдан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳузурида замонавий либослар моделларини яратиш учун дизайн-марказ

ташкил этилган. Ярмарка давомида ушбу марказ томонидан ташкил қилинган модалар намоиши ҳам бўлиб ўтди. Дизайнерларимиз томонидан жаҳон мода саноати тенденциялари ва миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда, ўзимизнинг матолардан тайёрланган энгил, бежирим ва экологик тоза, ранг-баранг либослар моделлари хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Марғилондаги «Ёдгорлик» оқич акциядорлик жамиятида ҳам хорижда харидоригр ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу буюмлар пахта ва шойидан анъанавий услубда қўл дастгоҳларида тўқилган.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган йирилган ип, мато ва тайёр маҳсулотлар Европа мамлакатларига етказиб беришмоқда, — дейди мазкур фабрика вакили Т.Мураев. — Дунёда юртимизга, халқимиз тарихи, маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли ярмарка кунлари корхонамиз маҳсулотлари намойиш этилаётган стендлар атрофи одамлар билан жуда гажум бўлди. Хорижлик қўллаб-қувватловчи бизнесменлар маҳсулотларимиз-

ни сотиш ва етказиб бериш шартлари билан танишди. Ярмаркада янги амалий алоқалар ўрнатди. Бу яқин вақт ичида ўз самараларини беришига ишонамиз.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, иқтисодий салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг яна бир намоиши бўлди. Жаҳон пахта ва тўқимачилик соҳасидаги муҳим воқеалардан бири бўлган ушбу ярмарканинг хар йили ўтказилиши дунёнинг турли минтақаларидаги ушбу соҳа вакилларига жаҳон бозорини ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиш, янги ҳамкорлар топши, Ўзбекистон билан ишончли, узок муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратишда муҳим омили бўлмоқда.

**ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди. Аскар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар**



### Бош келишув асосида

— Услубий-амалий семинарда ҳар бир вилоятдан икки нафардан жами 28 вакил келганди, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раиси Файрат Зуннунов. — Улар бугун жуда хурсанд. Сабаб, шу кўнлар ичида келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида қўллаб-қўлланмали маълумотларга эга бўлишди. Ушбу семинарни ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин намунаси деб ҳисоблайман.

— Янги ишлаб чиқариш корхонасини очмоқчиман, — дейди Бухоро вилоятидаги «Евро Азия Иншоранс» қўшма корхонаси сургурта компанияси бош ҳисобчиси Ханифа Мухамедова. — Ҳар бир семинарда ҳаёлимизда иккита гоғина пишитиб келгандим. Биринчиси — кондитер маҳсулотлари, иккинчиси эса гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, аниқроғи, тугалланмаган

### Семинар

Ўзбекистон КУФК Ўқув марказида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ва Савдо-саноат палатаси бошқаруви ҳамкорлигида тadbirkorлар малакасини ошириш бўйича 5 кун давом этган амалий-услубий семинар ўз ниҳоясига етди. Семинарнинг дастлабки кунинда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган иқтисодий-иқтисодий масалаларга доир 2011-2013 йиллар учун Бош келишув, шунингдек, кичик бизнес ва тadbirkorлик вакилларининг миллий иқтисодийдаги ўрни, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, тadbirkorлик самарадорлигини ошириш, бу мақсадларга эришишда касабаси уюшма ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

тadbirkor аҳолини ўз хизмати билан манман этиши учун психолог ҳам бўлиши керак. Кези келганда айтишим лозимки, солиқ ва махбурий тўловларни вақтида тўлаган тadbirkorларнинг фаолиятини хар хил текширувлардан озод қилинган айни муддао бўлди. Бу бизни халқимизга бундан-да сифатли хизмат кўрсатишга ундамоқда.

Ўқув-семинар давомида иштирокчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари билан учрашишда ҳамда Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлишди, шунингдек, Муқимий номдаги мусикали драма театри спектаклини томоша қилишди. Тadbirkor сўнггида иштирокчиларга гувоҳномалар топширилди.

**Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» муҳбири, Муаллиф олган сурат**



Нашр индекси — 133  
Тулық бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — 3133

### Хушхабар

## Халқаро эътироф

**Истиқлол туфайли Самарқанддаги 2514-автокарвон 95 мамлакатдаги етти мингдан зиёд автомобил компаниялари орасида ўз ўрнига эга бўлди.**

Иқтисодийдаги оқсашлар корхонани таомилла қардорлик ботқоғига ботириб қўйганди. Аҳвол шу даражада етдики, битта алоқа аппарати сотиб олишнинг ҳам илжои бўлмади қолди. Ана шундай бир вазиятда «Самарқандтрансмарказ» олдида жар ёқасидаги автокарвон муаммоси кўндаланг турарди. Кўп мулоҳазалардан сўнг яна бир уриниб қўриш керак, деган фикрга келинди. Соҳада ишлаб катта тажриба тўплаган 2522-автокарвон бош муҳандиси Файзулла Муртазоев ана шу жамоага бошлиқ қилиб тайинланди.

— Ишни автокарвонда ободонлаштиришдан бошлаганимиз. Негаки, бу ердаги манзара бир гала темир-терсақ уюмини эслатарди, — дейди Файзулла ака. — Автотранспортга жавобгар бўлган ҳайдовчиларни жамладик. Улар носоз техника боис бекорчиға айланган экан. Барча имкониятни ишга солиб, ўз кучимиз билан яроқсиз

ҳолатга тушайвган 88 та юк автокарвонини созадик. Уларни халқ хўжалигининг турли тармоқларида хизмат қиладиган керакли уловга айлантирдик. Бундан ўн уч йил муқаддам 30-35 чоғли киши ана шу тахитда иқтисодий таназзулни чекитиришга бел боғлашганди. Бугунги кунда автокарвонда меҳнат қиладиганлар сони 800 кишига етди. Биргина ўтган йили ўша ярамайди, дея ҳисобланган юк транспорти 538 миллион, амалдаги йил галла мавсумида 240 миллион сўмлик фойда топиб келди. Чўнтакка пул тушгач, транспорт хизматининг турли тизимида қадам ташлаш имконияти пайдо бўлди. Дастлаб лизинг асосида олинган 20 та автобус сони бугунга келиб 600 тага етди. Самарқанд шаҳридаги 32 та йўналиш танловда ютиб олинди, намунали хизмат ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда)



### Янги кўн

**Навоий**

Вилоят марказидан 270 километр узоқликда бўлган Томди туманида аҳоли фаровонлиги йўлида катта ўзгаришлар амалга оширилаётди. Яқинда «Янги Томди» ширкат хўжалигидаги «Рохат» массивида замонавий лойиҳа асосида қуриб битказилган ўн та уй-жой ўз эгаларига топширилди. Бу хайрли ишда «Қурилиш Грант Зарафшон» МЧЖнинг улуши катта бўлди.

**Хоразм**

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси Хоразм вилоят филиалида миқозларга хизмат кўрсатиш ва зарур ахборот узатиш ҳамда алоқа воситаларини сотиш бўйича «Ягона ойна» тарзида ишловчи шохобчанинг очилиш маросими бўлди. On-line тизими асосида 100 га яқин хизмат турларини кўрсатувчи янги тармоқнинг ишга тушиши мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига берилаётган катта эътибор ифодасидир. Шохобчанинг очилиш маросимида Урганч ва Тошкент шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри видео алоқа ўрнатилиб, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х.Мухитдинов ва «Ўзбектелеком» АК бош директори М.Маҳмудов янги шохобчанинг очилиши муносабати билан хоразмликларни муборакбод этилди. Эндиликда бу ерда 10 нафарга яқин мутахассис томонидан замонавий ахборот ва коммуникация хизмати кўрсатилади. Миқозлар учун барча қулайлик яратилган ушбу масканда тезкор ва таксимланган хизмат турлари йўлга қўйилади.

**Андижон**

Андижон Олимпия захиралари коллежида мамыурият ва касабаси уюшма кўмитаси томонидан ташкил этилган тadbirkor фойдаи касб эгаларига эҳтиром кўрсатилди. Маълумки, М.Абдуллаев, Ў.Ҳайдаров, М.Тўхтасинова каби машҳур спортчилар шу коллеж тарбияланувчиларидир. Тadbirkor мураббий ва ўқитувчиларга касабаси уюшма совғалари топширилди. Улар орасида машҳур боксчиларнинг мураббийлари А.Раҳимов, А.Абдуллаев, қўл туғли бўйича Т. Йўлдошев, Р.Маматқазин ва бошқалар бор эди.


**Қашқадарё**

Қамаш туманидаги Оқузар қишлоғида жорий йилнинг феврал ойида нон ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда тadbirkorлар жамоаси тайёрлаган бўрсилдоқ нонлар истеъмолчиларга манзур бўлапти. «Ўздонмаҳсулот» компанияси ҳомийлигида Германиянинг «Вактел» фирмаси билан ҳамкорликда 200 миллион сўмлик замонавий технологик ускуналар олдидан келиб ўрнатган нововиллар хар кун 3-4 минг донга нон ишлаб чиқаришгапти. Бош технолог Бобуржон Жониевнинг таъкидлашича, йил охирига қадар цех қуввати ошишини эвазига 15 хил нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, қўшимча иш ўринлари очилади.

**Сирдарё**

Ширин шаҳрида «Ешлар боғи» барпо этилди. Бунинг учун «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан 600 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Янги боғда 9 та аттракцион ўрнатилди. Маданий тadbirkorларни ўтказиш учун махсус сахна, болажонлар учун эса иккита сузиш ҳавзаси барпо этилди. Катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ишлари бажарилди. Боғ ободончилиги учун ҳомийлар томонидан тўрт миллиард сўм маблағ сарфланди.

Пахтакорларга камарбастамиз



Наманган вилоятида ҳам тенгиз бойлигимиз бўлган «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга астойдил киришилган. Поп туманидаги «Яккатут» ММТП худудида вилоят касабаси уюшмаси масъул ходимлари ва фаоллар иштирокда пахта йиғим-теримига сафарбарлик штаби тuzилган.

итлар ўрганилмоқда. Бирлашма қошида «Химмат-саховат» маданий-маърифий ва тарғибот гуруҳи ташкил этилган. Ижодкорлар, санъат усталари, тарғиботчилар ва касабаси уюшма фаолларидан иборат мазкур гуруҳ хашарчиларга беминнат хизмат кўрсатапти. Жумладан, Мингбулоқ, Учқўрғон, Чортоқ ва бошқа туманлар фермер хўжаликларига теримчиларга яратилган шарт-шароит, ичимлик суви таъминоти, меҳнат хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари, ётоқхона, ошхона ва бошқа ҳолатлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилди.

орларга қимматбаҳо совғалар топширишди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган кўй-кўшиқ ва рақслар тadbирга ўзгача шукҳ бағишланди. Чортоқ туманидаги «Мучум Кесканёр», «Фаргона Файз» ва «Ойқирон миришкорлари» ММТПлар худудидаги фермер хўжаликларига пахта йиғим-теримига қатнашаётган хашарчиларга таълим, фан ва маданият ходимлари туман бирлашган касабаси уюшмаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида совғалар топширилди. Вилоят касабаси уюшмалари ва тармок ташкилотлари раҳбарлари Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманларидаги хашарчилар ҳолидан хабар олиб, уларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан юборилган қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликларни топширишди.

та алоқа тармоқлари ишчи-хизматчилари йиғим-теримда фаол иштирок этмоқда. Яқинда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари наманганлик пахтакорлар ҳузурига бўлиб, илгор теримчиларни қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликлар билан тақдирлашди. Дилнора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

ниши, илгорларнинг рағбатлантирилиши, хашарчиларга иссиқ овқат ва дам олиш шароити яратилгани сафарбарликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Нодир ҚОЗОҚОВ, Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшмаси раиси

Бизга жавоб берадилар

«Ishonch» газетасининг жорий йил 22 сентябрдаги 117-сонидан чоп этилган «Ким кимни алдаяпти? Ёхуд 18 километрик манзилга 18 кунда етган мактуб» мақоласида келтирилган ҳолат жамиятининг Жиззах филиали масъул ходимлари томонидан атрофича ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, филиалнинг Гагарин почта алоқа тармоғига қарашли Янгидала алоқа бўлими бошлиғи (хабарчи вазифи ҳам юқлатилган) З.Олтибоев томонидан мақолада кўрсатиб ўтилган 4945-сонли бюртурмали хатни олувчига етказишда «Почта қондалари» талаблари бузилишига йўл қўйилган. Ушбу камчиликлар учун почта алоқаси тармоғи Янгидала алоқа бўлими бошлиғи З.Олтибоев билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Келгусида шу каби хато-камчиликлар келиб қиқшишга йўл қўймаслик ва уларни бартараф қилиш бўйича филиал томонидан тегишли ишлар амалга оширилиб, назорат ўрнатилди.

Мақолада қайд қилинган Жиззах педагогика институти ва 8-мактаб даврий нашрларга «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ Мирзачўл туман бўлимида обуна расмийлаштирилганининг инобатга олиб, «Матбуот тарқатувчи» АКга тахририятга жавоб бериш учун хат йўланди. Р.ҚОСИМОВ, «O'zbekiston pochta» ОАЖ бош директори

«Матбуот тарқатувчи» АК «Ishonch» газетасининг 2011 йил сентябрдаги 117-сонидан чоп этилган «Ким кимни алдаяпти? Ёхуд 18 километрик манзилга 18 кунда етган мактуб» мақоласи бўйича Жиззах вилояти «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ директори М. Урдушев ва жамият масъул ходимлари томонидан 2011 йил 5 октябр кuni жойида, Мирзачўл туманидаги 8-ўрта мактабда мақола муаллифи Раҳимбек Шарифовда иштирокида ўрганиб чиқилгани ва барча муаммолар бартараф этилганини маълум қилди.

Б.КУБЕЕВ, «Матбуот тарқатувчи» АК бош директори биринчи ўринбосари

Урганч шаҳар Ҳамза кўчасида яшовчи З. Бекжановнинг тахририятимизга шахардаги 23-умумий ўрта таълим мактаби раҳбарияти хатти-ҳаракати юзасидан ёзган аризаси Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилоят кенгашига ўрганиш учун юборилган эди. Мурожат касабаси уюшма мутахассислари томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, З. Бекжанова 1991 йилдан мактабда инглиз тили фани ўқитувчиси вазифасида ишлаб, 2001 йил 28 майдан 2003 йил 28 майга қадар, яъни фарзанди икки йаша тўлгунча қисман ҳақ тўланадиган ҳомилдорлик ва туғиш таътилида бўлган. 2004 йил 2 февралдан иккинчи фарзандини туғиш учун таътилга чиқиб, 2006 йилнинг майгача таътилда бўлган.

З. Бекжановнинг биринчи фарзанди қаровга муҳтож, ногирон бўлганлиги сабабли унга мактаб маъмуриятининг 2007 йил 1 январдаги 2-сонли буйруғи билан ногирон фарзандини тарбиялаш учун ўз ҳисобидан ҳақ тўланмайдиган таътил берилган.

Аризани ўрганиш жараёнида мактаб директори томонидан 2011 йил 15 августда З. Бекжанова билан тузилган меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қилиш, фойдаланилмаган таътиллари учун пулли компенсация тўлаш ва ақуний ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилиб, шикоятчининг талаби қаноатлантирилди. Шу билан бирга, унга бир ойлик маоши миқдорига моддий ёрдам пули ажратилди.

Баъзан асоссиз равишда мурожат қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Мисол учун, Деҳқонobod туманида яшовчи Х. Баҳодировнинг шикоят юзасидан Қашқадарё вилоят прокуратурининг ўринбосари Т. Муродовдан жавоб хати олинди.

Маълум бўлишича, Х. Баҳодиров жамоа хўжалигида 1992 йилдан бунён бoш чўпон вазифасида ишлаб келган. Унинг қарамоғига 430 бош майда шохли моллар топширилиб, бу ҳақда мулклий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган. Аризада қайд этилган ҳолатлар юзасидан мутахассислар иштирокида ўтказилган текширувда Х. Баҳодировнинг ҳисобидан тирик вази 4320 килограмм бўлган 9 млн. 960 минг сўмлик 159 бош майда шохли чорва моллари қарамдоғда йўл қўйилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Деҳқонobod туман прокуратураси томонидан Х. Баҳодировга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

«Хуқуқ ва халқро ҳаёт» бўлими

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили

Бугун мамлакатимизда аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлаш устувор масалага айланган. Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳа ривожига дастуруламал бўлмоқда. Саноат корхоналари ва касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустақамлланиши ўз навбатида оила фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Касаначилик ривожланмоқда

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жорий йилда 840 та касаначилик иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Туман бандликка кўмаклашувчи марказининг берган маълумотига кўра, шу давргача 600 га яқин касаначилик иш ўринлари яратилди. Уларнинг салмоқли қисми тикунчилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариши, паррандачилик, дарадгорлик, чиннига зеб бериш каби ўнлаб соҳалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хусусан, «Класс фут сервис», «Шарк деликатес савдо», «Ўзбекистон» МЧЖ, «Мунаввар», «Шарк чеварчилик маскани», «Престиж мебель» каби ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилар учун барча шароитлар яратилган.

Президентимиз Фармонида кўра, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи берилди, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори Нодир Норматов. — Корхоналар билан меҳнат шартномаси тuzган касаначилар банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиши ва меҳнат дафтариаси берилиши, пенсия ва ижтимоий сугурталар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилиши алоҳида белгилаб қўйилган. Шу боис биз ҳам корхонаимизда меҳнат шартномаси имзолаган корхоналарда мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Дарҳақиқат, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланаётгани жуда кўп ва хотин-қизларни соҳага жалб қилиш имконини бераётир.

Аҳоли бандлиги ва оила даромадларининг барқарор тарзда ўсишида касаначиликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга, — дейди «Класс фут сервис» корхонаси раҳбари Файзулла Раҳматуллаев. — Шу боис биз ҳам корхонаимизда айни пайтда 16 нафар касаначи хотин-қизларни кадоқловчи сифатида ишга қабул қилганмиз. Улар асосан 3-4 хил глазурилган конфетларни қозғ ва зарга ўраш билан шуғулланади.

Корхонани айланиб эканмиз, конфет ишлаб чиқараётган технологиялар эътиборимизни тортиди. Хитой, Туркия ва Россия давлатларидан келтирилган қурилмалар сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Хом ашёнинг 65 фоизини маҳаллий маҳсулотлардан оламиз, — дейди директор. — Маҳсулотларни айни пайтда маҳаллий бозорда сотаямиз. Келгусида хоризга ҳам экспорт қилиш ниятимиз бор.

Корхонанинг ривожланишига ҳамда оилам даромадини оширишга муносиб ҳисса қўшаётганимдан мамнунман, — дейди касаначи Гулчехра Сунатовна. — Ишимиз кийин эмас, тайёр маҳсулотни уйимизга олиб келишадими. Бир ойда 450-500 кг. конфет ўраб бераман. Меҳнат дафтариаси олганман. Бу ерда ишлаган вақтим меҳнат стажига қўшилмоқда. Келажакимиз ижтимоий ҳимояланганлиги ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

Самарали тизим

«Устоз-шогирд» аънанасини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши томонидан касб-ҳунар коллежларида ҳуқуқий соҳа вакиллари ва мутахассислар билан турли учрашувлар ташкил этилмоқда.



Икром ХАСАНОВ олмаган сурат

Бундан ташқари, «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури бўйича туман тиббиёт бирлашмасида меҳнатқашлар ва ёшларга меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган тadbирлар амалга оширилмоқда.

Бунга Чилонзор тиббиёт коллежиди йўлга қўйилган ишлар мисол бўлиши мумкин. Коллежда уч йўналиш: ортопедик стоматология, ҳамширалик, даволаш иши бўйича таълим берилади. Йўналишларга кўра, коллежда ташкил этилган иккита «Устоз-шогирд» хонаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли стоматология поликлиникаси томонидан жиҳозланган. Коллеж ўқувчилар амалиёти бўйича шахардаги 7 та стоматология поликлиникалари билан шартнома тuzган. Ҳозирда «Устоз-шогирд» аънаналари бўйича 2033 нафар ўқувчи қамаб олинган.

«Устоз-шогирд» усули ўқувчининг назарий билимини амалиётда қўриш, мутахассислар ишини бевосита кузатиш

имконини берди, — дейди 3-босқич ўқувчиси Гулноза Туробхонава. — Тошкент шаҳридаги 10-сонли поликлиникада амалиёт ўтадим. Китобдан ўқиб-ўрганиш яхши, аммо даволаш жараё-

нини жонли кузатиш ҳам қизиқарли, ҳам самарали экан.

Дилноза МИРЗАЎКЕВОВА, Дироз АБРАЕВА, ЎзДЖТУ талабалари

Етакчи сўз сўрайди

Тошкент шаҳри бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятлари билан шуғулланувчи ташкилотларда бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари тuzилган бўлиб, улар касабаси уюшмалари низомига мувофиқ тижорат банкларида ўз ҳисоб рақамларига эга. Ушбу ҳисоб рақамлари орқали ихтиёрий 1 фоиз аъзолик бадаллари тушуми касабаси уюшмаси аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофазга қилиш, моддий рағбатлантириш, соғломлаштириш ва спортни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича сарф-харажатларга йўналтирилади. Банклар томонидан ҳар бир амалга оширилган банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи ушлаб қолинади.

Касабаси уюшмалари умид қилса бўладими?

Аммо, юқоридидаги банк хизматлари учун ушлаб қолинадиган тўловлардан ташқари банклар томонидан ҳар бир ойнинг охирида бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари ҳисоб рақамларидан энг кам иш ҳақининг 1 (бир) баробари миқдориди абонент тўловлари учун олинимоқда. Кўп ҳолларда кам сонли бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ойлик абонент тўловларини тўлашга ҳам етмай қолмоқда.

Касабаси уюшмалари нодавлат нотижорат жамоа ташкилотлари бўлиб, ўз фаолиятини фақатгина аъзолик бадаллари ҳисобига олиб боради ва бошқа даромад манбаларига эга эмаслигини эътиборга олган ҳолда 2011 йил 1 мартдаги 135/07-сонли ва 4 мартдаги 145/01-сонли Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг хатлари билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасига мурожат қилинди.

2011 йил 17 мартдаги №14-16/18-сонли жавоб хатида Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси томонидан ушбу ҳолат юзасидан ДТ «Халқ банк»ида текширув ўтказилиб, Тошкент

шаҳридаги бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига хизмат кўрсатувчи ДТ «Халқ банк»нинг Тошкент шаҳридаги филиаллари томонидан ҳисоб рақами айланмаси бўйича минимал иш ҳақининг 1 (бир) баробари миқдориди банк хизматига ҳақ учдириши жорий этиш ҳолати «ноқонуний» деб топилганлиги ҳақида маълум қилинди.

Аммо, ҳанузгача банклар ушбу «ноқонунийлик» бартараф этиш ўрнига абонент тўловларини учдириб келмоқдалар. Кам сонли бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотларининг ҳисоб рақамларидаги маблағларининг миқдори банк тўловларини қоплаш учун етарли эмаслиги оқибатида бир қанча бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Мутаассадди ташкилотлар ўзлари «ноқонуний» деб топган ушбу ҳолатни бартараф этишларида касабаси уюшма ташкилотлари умид қилса бўладими? А. САҒАЕВ, Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раисининг ўринбосари

Меҳнатга яраша рағбам

Ҳоҳида нефт ва газнинг беқийс имкониятларидан фойдаланамиз-у, унинг истеъмолчига етиб келиши қанчалар машаққат ила амалга ошаётганини унчалик ҳам ҳис қилавермаймиз.

«Муборакнефтьга» унитар шўьба корхонаси капитал қурилиш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш бўлими бурғуловчилар томонидан газ ва нефт конлари очилгач, уларни тез фурсатларда фойдаланишга топшириш учун бўлим мутахассислари лойиҳалаш, зарур жиҳозларни бюртурлаш қилиш ҳамда пудратчи қурилиш-таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериш ишларини бажаришди. Умирзоқ Товбаев раҳбарлик қиладиган бўлим ҳам бир неча бўлимларга бўлинган бўлиб, ҳар бирининг ўз муайян вазифаси бор.

Жиҳозлаш бўлими бошлиғи Шукрулло Ҳайдаров айни пайтда бошланғич касабаси уюшма ташкилоты етакчиси ҳамдир. У табиатан изланувчан. Кўп йиллик тажрибаси бўлса-да, халигача соҳага оид китобларни мутлола қилишдан чарчамайди.

Жорий йилда режадаги қатор конларимиз ўзлаштирилди, — деди биз билан сўхбатда капитал қурилиш бўлими бошлиғи Азамат Эшонқулов. — Жумладан, Денгизқўл сиқув-комплексор станцияси бўйича барча қурилиш-монтаж ишлари тугаланди. Жанубий Уртабулоқ мажмуасида эса станция қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, конларимиздаги газни комплекс тайёрлаш қурилмаларида 9 та трубадетандер агрегатлари қуриш режалаштирилган бўлиб, мазкур замонавий технологиялар газ таркибидаги асқитиб олиш имконини беради.

Касабаси уюшма етакчиси сифатида меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ходимлар саводхонлигига эътибор қаратиш унинг эътимасида. «Муборакнефтьга» унитар шўьба корхонаси касабаси Шараф Раҳматов билан яқинлигида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳар бир байрам саналарида кам таъминланган хизматчилар ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади. Ишларнинг фарзандлари ёзда корхона тасарруфидида «Ёш алангачи» оромгоҳида ҳордик чиқарган бўлса, эндиликда меҳнатқашларнинг ўзлари бу ерда соғломлаштирилмоқда.

Икки йилдики, ишчи-ходимларга уй-жойлар қуриб бериш бўйича ҳам ишлар жадал давом этмоқда. Утган йили Қарши шаҳрида қирқ хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли коттеж бунёд этилган эди. Бу йил эса Муборак шаҳрида 48 хонадонли замонавий турак-жойлар касб қўғарди ва мустақилликнинг 20 йиллик тўйи олдидан корхонада кўп йиллар самарали меҳнат қилган ишчи-хизматчилар ва ёш оилаларга топширилди.

Икки йилдики, ишчи-ходимларга уй-жойлар қуриб бериш бўйича ҳам ишлар жадал давом этмоқда. Утган йили Қарши шаҳрида қирқ хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли коттеж бунёд этилган эди. Бу йил эса Муборак шаҳрида 48 хонадонли замонавий турак-жойлар касб қўғарди ва мустақилликнинг 20 йиллик тўйи олдидан корхонада кўп йиллар самарали меҳнат қилган ишчи-хизматчилар ва ёш оилаларга топширилди. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Фаргона вилоят кенгаши халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Олтирақ туманида «Устозлар, сизга таъзим» деб номланган тadbир ўтказди.

«Устозлар, сизга таъзим»

Унда вилоят таълим тизимида меҳнат қилаётган 400 нафар педагог-ҳодим, «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» каби қўриқ-танловларнинг вилоят, республика босқичи ғолиблари, жамоатчилик вакиллари, соҳа фахрийлағи иштирок этди.

Жамоатчилик ишларида фаол ўқитувчи ва мураббийларга вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармок касабаси уюшмаси кенгашларининг қимматбаҳо совғалари, 57 нафар педагогга «Халқ таълими аълочиси» кўрақ нишонини, Халқ таълими вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлик ва совғалари топширилди. Пахта йиғим-теримиди фаол иштирок этаётган хашарчиларнинг 50 нафарига касабаси уюшма маблағи ҳисобидан «Чимён» сийҳатгоҳига бепул ўиланмалар берилди.

Хушроғ хонанда-ю сўз усталирининг қиқшилари тadbирга ўзгача руҳ бағишлади.

Комрон САТТОРОВ, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашсининг мутахассиси

### 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётини шакллантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантиришга кенг имконият яратиб берилмоқда. Бу борада тижорат банклари кўшаётган ҳиссаси таҳсинга лойиқ. Жумладан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### «Ўзсаноатқурилишбанк» Фаровонлигимиз кафолати

Кичик бизнес субъектлари-га жорий йилнинг 1 сентябрга қадар 202 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Натигада 4158 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари-га ўтган 8 ойда 19,5 млрд. сўм миқдорда микрокредит маблағлари ажратилиб, 1351 та иш ўрни ташkil этилди. Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан шу йилнинг 1 сентябр ҳолатига 12,2 млрд. сўмлик кредит маблағи йўналтирилди. 348 та иш ўрни яратилиб, аёлларимизнинг фаолиятида янги имкониятлар очилди. Ўз навбатида, банк томонидан Юрбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирishi юзасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёбини таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари би-

лан тўлдирishi, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи илҳам корхоналар барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантиришга жорий йилнинг сентябр ойига қадар 40,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, Президентимизнинг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар банк фаолиятида асосий ўрин эгаллаб келмоқда. Жумладан, банк миқдорда рағбатлантириш мақсадида рағбатлантириш, сифатли ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташkil этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 2011 йил 1 сентябр ҳолатига 41,7 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш

бўйича 16,6 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг келгусидаги фаолиятига мустақкам замин яратиш мақсадида касб-хўна қоллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 673 млн. сўм миқдордаги лойиҳаларига кредит маблағлари йўналтирилди. Дарвоқе, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида банкнинг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташkil қилинган. Таъкидлаш жоиз, тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш, олий ва ўрта махсус билим юртлари талабаларининг янги бизнес голяри-ни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жорий йилда «Энг яхши бизнес лойиҳа», «Энг яхши инновацион бизнес голя» танловлари ўтказилиб, голиблар имтиёзли кредит ва совғалар билан тақдирланди. Хозирда банк томонидан қатор йўналтирилган бўйича янги танловлар эълон қилинган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ матбуот хизмати

### Андижонча балиқ

Андижон вилоятида жорий йил охиригача минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилган. Шуни инобатга олиб, ихтисослаштирилган балиқчилик хўжаликлари сонини кўпайтириш чоралари қўрилди. — Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан ҳамкорликда балиқчилик хўжаликлари раҳбарлари учун Улугнор туманидаги «Андижонбалиқ» МЧЖда туркум ўқув-семинарлари ўтказилди, — дейди вилоят солиқ бошқармасининг бошлиғи Р. Мулложаонов. — Бу семинарлар амалда ўз натижасини берди. Бугунги кунда 23 та балиқчилик хўжалиги ташkil этилди. Уларда соҳа мутахассислари иштирокида 8,33 гектар майдонда сунъий сув ҳавзалари ва 4 та интенсив усулда сунъий ҳовузлар қўрилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 372 гектар майдондаги сув ҳавзалари чуқурлаштирилиб, 8 км. масофадаги дренаж ва коллекторлар тизимини янада яхшилашга хизмат қилди. Вилоятнинг барча ҳудудларида ўрганиш ва хатлов ўтказилиб, асосий фаолияти бошқа соҳага тегишли бўлган 22 та фермер хўжалигида ҳам 11,59 гектар майдонда ҳовузлар ташkil этилди.

Балиқчилик соҳасида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар 2010 йилда балиқчилик хўжаликлари сони 111 тани ташkil этган бўлса, хозир уларнинг сони 151 тага етказилди. Натигада белгиланган 900 минг ўрнига 1 млн. 600 минг дондан ортиқ чавақ балиқ парваришланмоқда. «Андижонбалиқ» МЧЖ ва «Олимп кошонаси» фермер хўжалигида «Карп», «Ок амур» ҳамда «Дўнг пешона» навли балиқларнинг 1 млн. 400 минг донга личинкалари етиштирилиб, балиқчилик хўжаликлари-га тарқатиб чиқилди.

Давлат дастурига мувофиқ, балиқчилик хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида 194 тонна балиқ аҳолига етказиб берилди.

Бундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун, табиийки, етарли даражада маблағ зарур. Шу боис ушбу соҳани ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 336,5 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Вилоят ҳокимининг қарорига қўра, эндиликда ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Балиқ кўни» деб эълон қилинди. Шу сабаб 43 та умумий оқоватлиш шохобчасида балиқ гўштидан тайёрланган турли таомлар савдоси йўлга қўйилмоқда. Балиқ маҳсулотлари сотишга ихтисослашган 30 дан ортиқ савдо дўконлари ҳам иш бошлади.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

### «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

#### СУХБАТДОШ ҲАҚИДА:

Шавкат ТУРСУНОВ Термиз шаҳрида таваллуд топган. 1980 йилда Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти-ни тугатган. Мехнат фаолиятини Термиз локомотив депосида устачилиқдан бошлаган. Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси-да саннат, алоқа ва транспорт бўлимида катта мутахассис бўлиб ишлаган. 1990-1992 йилларда Россиянинг Нижний-Новгород шаҳридаги Ижтимоий муаммолар ва политология институтида тахсил олган. Термиз темирйўл вокзали бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатган. 1999 йилдан Термиз минтақа-вий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида ишлаб келмоқда. 2008 йили «Фахрий темирйўлчи» унвони билан тақдирланган.

### Кўнгил шодлигига вобаста ҳаёт

#### Термиз минтақавий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси Шавкат Турсунов билан суҳбат

— Термиз минтақавий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма кўмитасида ижтимоий шериклик тамойиллари қандай ҳал этилаёт-тир?

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойи ол-димизга масъулиятли вазифаларни кўйди. Касаба уюшма аъзоларининг ҳақ-хўқуқларини ҳимоялашда аниқ режалари белгиланган. Кўмита-миз тасарруфидаги 12 та бошланғич ва 38 та цех касаба уюшма кўми-талари ҳамда 51 та касаба уюшма гуруҳларининг барчасида иш бевури-чи билан жамоа шартномаси тузилган. Уларда 3565 нафар касаба уюш-ма аъзосининг қонуний манфаатлари ҳимояланиши кўзда тутилган. Жум-ладан, кам таъминланган, ногирон, кўп болали ходимлар ҳар томонла-ма қўллаб-қувватланмоқда. Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси томони-дан 528 нафар ишчи ва ходимга 15 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан фахрийлар, но-гиронлар ва хасталар ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди. Ишчи-ходимлар ўртасида спортнинг арқон тортиш, мини футбол, кўл тўпи, стол тенниси, волейбол, шахмат-шахса турлари бўйича мусобақа уюштирилди. Термиз Локомотив депосига бош соврин, энг сунгги русумдаги компьютер жамланмаси топширилди.

— Бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, хусусан, ёшларни иш билан таъминлашда нималарга эътибор қаратилмоқда?

— Ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан жорий йил-да Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари олийгоҳи ва «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компанияси тасарруфидаги Тошкент, Самарканд шаҳарларидаги темирйўл касб-хўна коллежларини тугатган му-тахассис кадрлардан 150 нафар ишга қабул қилинди. Термиз минтақа-вий темирйўл узели тасарруфида «Наврўз» наслчилик чорвачилик маж-мусини ташkil этилгани ҳам айтилиши мумкин. Айтиш кунда 1074 бош ҳорамолни бурдоқига боқаямиз. Мажмуазида сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Қаймоқ, бринза, кефир каби сут маҳсулотлари тайёрла-ниб, ишчи-ходимлар ва Термиз шаҳри аҳолисига арзон нарҳда етказиб берилмоқда. Мухими, мажмуага 76 нафар йигит-қиз ишга жалб этилди. Бу борадаги хайрли ишларни ривожлантириш, янги техника харид қилиш, озуқа базасини мустақкамлаш ҳамда балиқчиликни ривожлантириш учун 5 млрд. 200 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Эрта-инди шу ҳисоб-дан яна 30 та янги иш ўрни очилади.

Ҳудудий касаба уюшма кўмитамиз томонидан «Темирйўлчилар боғи» ташkil этилиб, ёшлар доний иш билан таъминланди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга қандай меҳр-муруват кўрсатилмоқда?

— Тармоқ ишчи-ходимларимиз кўп миллатли фуқаролардан таркиб топ-ганлиги, айтиш мумкин тадбирларимизни ранг-баранг қилмоқда. Ҳар бир миллатнинг миллий байрамида, соҳада фаолият кўрсатган фахрий ус-тозлар, ҳамкасбларга совға-саломлар ултишамиз. Ҳар бир бошланғич ка-саба уюшма етакчиси уларнинг хонадонига бориб байрам совғасини ула-шади. Шундай хайрли ишлардан бири, бу — «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти томонидан Денов темирйўл станциясида ишлаб 1 гуруҳ ногирони бўлган ишчи Шоназар Едгороева «Нек-сия» русумли енгил автомобил совға қилингани бўлди. Унга янги уй-жой ҳам қуриб берилди.

— «Оқназар», «Шўроб», «Дарбанд», «Бойсун» темирйўл станцияларидан Бо-тир Раҳмонов, Омон Хўжамқулов, Даврон Худойбердиев каби ёш оила со-ҳибларига янги турар-жой кotteжлари қулиши топширилди. Ҳовли тўйла-ри байрам тантаналарига улашиб кетди. Бойсун темирйўл бекатида янги уй-жойлар қурилиши тугалланган.

— Ходимлар саломатлигини тиклаш учун касаба уюшмаси қан-дай гамхўрлик қилмоқда?

— Саломатлик бирламчи масалалардан бири. Шу мақсадда «Назар-бек», «Сихатгоҳ» санаторий-профилакторийлари, «Чимён» дам олиш ва да-волонши масканида 120 нафар ишчи-ходим соғлигини тиклади. Ушбу мақ-сад учун 7 млн. 131 минг сўм маблағ сарфланди. Темирйўлчиларнинг фарзандларини ҳар томонлама барқамол ва соғлом воёга етишида ҳам ибратли ишларни амалга оширямиз. Жорий йилда 255 нафар темирйўлчи-нинг фарзанди Қўхтанг тоғ тизмаларида жойлашган «Бешбулоқ-Сур-хон-Шеробод» оромгоҳида дам олдирилди. Бунга 28 млн. 174 минг сўм касаба уюшма маблағи сарфланди.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, касаба уюшма кўмитамиз Тер-миз минтақавий темирйўл узели раҳбарияти билан ишчи-ходимларнинг моддий шароити ва саломатлигини яхшилаш йўлида ҳамкорликда фаоли-ят олиб бораётми. Хозирда Термиз шаҳрида темирйўлчилар шифохонаси, ҳар бир станцияда тиббиёт хоналари фаолият кўрсатмоқда.

— Темирйўлчилар меҳнати муҳофазаси борасидаги ишлар ҳақида тўхталангиз.

— Мехнат кодекси, «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабини бажариш бўйича ҳудудий касаба уюш-ма кўмитамиз томонидан хайрли ишлар амалга оширилди. Мавжуд бош-ланғич, цех касаба уюшмалари ҳамда 51 та касаба уюшма гуруҳида ҳар бир иш жойи учун техника ҳавфсизлиги йўриқномаси ишлаб чиқилган. Хо-димларга меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли курсатмалар берилган. Жор-ий йилда кўмита раёсатида 10 марта меҳнат муҳофазаси муҳокама эти-либ, 15 нафар мутасадди хисоботи тинланди. Барча ташкилотларда те-мирйўлчиларга қўлай, ҳавф-хатарсиз иш жойлари яратилиб, маданий-ма-иший, дам олиш хоналари ташkil этилган. Касаба уюшма ташкилотлари-да меҳнат муҳофазаси вакиллари сайланган. Термиз алоқа ва ишорат кор-хонаси меҳнат муҳофазаси вакили Б.Савидов Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг «Энг фаол меҳнат муҳофазаси вакили» танловини фахрли ўринни эгаллади.

— Маънавият ва маърифат барча соҳа ходимлари қатори темир-йўлчилар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Касаба уюшмалари-нинг бу борадаги етакчилиги нималарда намоён бўлмоқда?

— Ҳудудий касаба уюшма кўмитамиз ва унинг кўйи бўғинларида Маъна-вият ва маърифат хоналари ташkil этилган. Улар Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерациясини кенгаши тавсиясини асосида жиҳозланган. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ҳамда Одам савдосига бағишланган бурчлар ташkil этилган. Миллий маънавиятими-зинг маъно-моҳияти, урф-одат, қадриятларимизнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратяпти.

Ҳар йили мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг таваллуд кўни муно-сабати билан темирйўлчилар клубида ёш мактаблари кенаси уюштири-лади. Клубимиз қошида ташkil этилган «Наъманвий ижрончи» тўғара-ри катнашчилари шаҳар, вилоят ва республика танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Жорий йилда тўғарақ ишти-рокчиси Умида Алламуродова «Келажак овози» танловининг вилоят бос-қичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Суҳбатдош: Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

### Халқаро эътироф

(Боши 1-бетда)


Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Шухрат Бурхонов ҳамроҳлигида хо-димларга яратилган ша-роит билан танишди. Туб-дан таъмирдан чиқарилаёт-ган корхонада янгидан 400 ўринли ошхона, сарта-рошхона, ювиниш хонаси барпо этилаётган экан. Ҳайдовчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун меҳмон-хона тарзидаги дам олиш маскани ҳам қуриляпти.

Амалдаги йилда ходин-ларнинг 60 нафар фарзан-ди, Мехрибонлик уйи тар-бияланувчилардан 30 на-фари корхона ҳисобидан соғломлаштириш оромго-ҳида дам олдирилди. Жа-моада меҳнат қилаётган 16 нафар аёл бир соатлик қисқартирилган иш кундан фойдаланаётир. Аҳиллик ва уюшқоқлик боис ютуқлар кўндан кунга қўпайиб бор-япти. Истиклолимизнинг 20 йиллик тантаналари кўни автокарвон ахли Италиядан хушхабар олди. Жамоа жа-ҳон савдо лидерлари клуб-бининг транспорт бўйича XIV халқаро соврини — янги минг йиллик соврини (NEW MILLENIUM) билан муко-фотланган. Аслида бу клуб — тадбиркорлар ассоциа-цияси бўлиб, ўз атрофида 7000 га яқин аъзоларни бирлаштиради. Париждаги муҳташам «Меридиен эту-ал» меҳмонхонасида ўтказилган тадбирда самарқан-длик автотранспортчиларга «Тадбиркорликнинг устун-лиги учун» олтин медали тантанали равишда топши-рилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Мамлакатимизда тадбир-корларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган боис Сурхондарё вилоятида ҳам ишбилармонлик изчил ривожланмоқда. Жарқўргонлик Умиджон Бибитов жорий йил бошида «Микрокредитбанк»нинг Жарқўргон филиалидан имтиёзли кредит олиб, фаолият бошлаган эди. Асосан, эркаклар кийимини тиқишни йўлга қўйган тад-биркор қисқа фурсатда мижозлар эътиборига тушди. Ҳозир у шогирдлари кўмагида эркаклар учун турли хилдаги костюм-шим, кўйлак ва тўй либосларига қўллаб буюртмалар олмоқда.

Суратда: (чагдан) тадбир-кор Умиджон Бибитов шогирди Улугбек Шермуродов билан. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат



Навбахор туманининг Зарафшон дарёси қуйи қисмидаги ерлар шўрроқ ва камҳосиллиги боис ўтган йил анча азият чекилганди. Соҳа мута-хассислари узоқ бош қотириб, бу майдонларга шўрлик даражасини камайтиришга қодир бўлган шולי экиш ло-зимлиги хусусида бир тўхтамга қолишди. Пиро-вардида «Навбахор шоли-си» фермер хўжалиги ташkil этилиб, унга тажрибали деҳқон Фолиб-жон Қаҳҳоров сардорлик-ни ўз зиммасига олди.

### Навбахор шолиси

— Ез бўйи қилинган меҳнат зое кетмади, — дейди у. — 60 гектар ерга уруғ қадаганди, натижа чакки бўлмади. Ҳосил чўғига қараб, 120 тонна а-рефиди шולי кўтаришни ре-жалаштиряпти. Ишларимиз ёмон эмас. Худудда ўткази-лаётган турли тадбирларда ўзимиз етиштирган гуруч а-сқотяпти.

Мансур АЛЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

### «REPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига «AGRO BANK» ОАТБ Бошқарувининг 2011 йил 12 октябрдаги 74/1-сонли йиғилиш қарорига асосан «AGRO BANK» ОАТБнинг «Samarqand Agromuz» МЧЖ устав фондидаги 100 фоизлик улуши қўйилмоқда.

Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш	Бошланғич баҳоси, минг сўм
Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гўлобод кўрғони.	100%	6 779 607,5

Аукцион савдоси 2011 йил 17 ноябр кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi улуш 2011 йил 17 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 24 ноябр кўнлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига ўтказилишдан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Republica mulk markazi»нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамши кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.


### «REPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига «Ўзқурилишматериалсавдо» МЧЖнинг 2011 йил 7 октябрдаги 35-01-108-сонли хатига асо-сан, Тошкент шаҳар Мирқоқилов кўчаси, 68-«А» уй манзилида сақланаётган «Камаз-5320» русумли, давлат рақами 10 АС 036 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз ҳолатдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 435 868 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 17 ноябр кўни соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диҳатига! Юқоридagi автотранспорт воситаси 2011 йил 17 ноябрдаги аукцион савдосида сотил-маган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 24 ва 28 ноябр кўнлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Republica mulk markazi» ЕАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамши кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Халқаро турнир олдидан Термиз дунё полвонларини чорлайди



19-23 октябр кунлари Термиз шаҳрининг «Сурхон» спорт мажмуасида кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун аънанавий Х халқаро турнир ва VII жаҳон чемпионати ўтказилди.

Кураш — спортнинг қадимий тури. Бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатида кураш Федерациялари ташкил этилган.

ассоциацияси икромия қўмитаси аъзоси Сюзет хоним Безенхаут шундай деганди: — Ўзбек курашида халқининг руҳиятига азал-азалдан хос бўлган мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибга нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фазилатлари муҳасаммалашганлиги боис, бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг тарқалди.

Агар ўтган 9 та аънанавий турнирда иштирок этган полвонлар руҳиятига разм солсак, миллий курашимиз дунёни қамраб олганига ғувоҳ бўламиз. Бундан ташқари Урол Тураев, Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасу-

лов, Тоштемир Муҳаммадиев, Ўткир Курбонов, Абдулла Тангриев сингари мард полвонларимизнинг номи айнан шу турнир туйғайи машҳур бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу галги турнир ва жаҳон чемпионатида 80 га яқин мамлакатдан 400 нафарга яқин, шунингдек, мамлакатимизнинг 200 га яқин полвони иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Улар 60, 66, 73, 81, 90 кг. ва мутлақ вазнда голиблик учун баҳс олиб боришади.

Термизда нуфузли мусобақани юқори савида ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда. **Ўз мухбиримиз**

Мини футбол

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг спорт мажмуасида Миллий авиакомпания таркибий бўлинмалари ўртасида мини футбол бўйича худудий турнирнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

Кубок учун кураш

Тўрт кун давом этган мазкур баҳсларда МАК Учувчилар мажмуаси, «Uzbekistan airways technics» авиақорхонаси, Ҳаво алоқалари бош агентлиги, «Кетринг» ДУК, шунингдек «Самарқанд», «Навоий», «Андижон», «Фарғона», «Қарши» аэропортларидан жами 14 жамоа иштирок этди. Беллашулар якунига кўра Тошкент худуди бўйича биринчи ва учинчи ўринларга «УАТ» авиақорхонасининг икки жамоаси муносиб деб топилган бўлса, иккинчи ўрин МАК Учувчилар мажмуаси вакилларига насиб этди.

МАК аэропортлари орасидан «Навоий» ҳаво маскани голибликни қўлга киритди. Фарғоналик ва термизликлар кейинги ўринларни баъд этишди. Ҳали ва совриндорларга кубок ҳамда эсадалик совғалари топширилди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Имтиёзли йўлланма соҳиблари

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳаётида ўчмас из қолдирди. Кўҳна ва боқий Бухоро мажмуасида менга 2011-2012 ўқув йилида вилоят ҳокими стипендианти ғувоҳномаги топширилди. Ғувоҳномами қабул қилиб олар эканман, сазй-ҳаракатлар ичидан ҳис этдим.

«Ватанга содиқ фарзанд бўламан»

Инглиз тили ўқитувчимиз Розия Исмоилова меҳрибон ва талабчан. Қизиқшим ошаверғач, дарсдан ташқари шу фанга оид қўшимча адабиётларни тавсия этди. Қолаверса, устозим Р.Тиллаевнинг тўғарақ машғулотларига фаол қатнашишга интиляяман. Бухоро нефть қайта ишлаш заводида мутахассис бўлиб ишлаётган отам, Когон саноат ва транспорт касб-хунаро коллежи ўқитувчиси — онамининг менга билдирган ишончлари ютуқларим қалити бўлди.

Ўтган ўқув йили кўпгина тенгдошларим қатори мен учун ҳам муваффақиятлик яқунланди. «Билмилар синови»нинг шаҳар ва вилоят босқичларида биринчи ўринни эгалладим. Республика босқичида эса фахрли ўрин соҳибиди сифатида бир гуруҳ иқтидорли болалар қаторида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Кўёшли» интеллектуал болалар оромгоҳида ёзда мириқиб дам олдим. Бу ерда республикамизнинг таълиқ фан ва маданият арбоблари билан мулоқотда бўлдим. «Мустақилликка 20 йил» туристик саёҳатида қатнашиб, Ватанимиз пойтахтидаги диққатга сазовор жойларни томоша қилиб қайтдим. Бундай имкониятларни Юрбосқичимизнинг биз ёшларга чексиз ғамхўрлиги натижаси деб биламан. Ана шундай буюқ Ватанга содиқ фарзанд бўлганимдан фахрланаман.

Орзуларим жуда кўп. Испан ва корейс тилларини ҳам мукамал ўрганиб, келгусида дипломат бўлиш ниятидаман.

Абдулқарим РУСТАМОВ, Когон шаҳар 9-умумий таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

«Ўша йил қиш қаттиқ келди, — дея амаким бир воқеани эсга олганди. — Тупининг ерга тушмай музлаб қолади. Тоғдан қайтаман. Икки қақиримча юргач, кўзини очиб бўлмади қолди. Оёқ-қўлим совуқ қотган — гўё жон йўқайди. Отни ихтиёрига қўйиб бердим. Йўл топиш ҳам мушкул. Бора-бора танам ҳеч нарсани сезмай, отдан сирғалиб тушаётганимни эсламан. Кўзимни очсам, уйда ётибман. Топамда дўхтир, ота-онам. Кейин нима бўлганини отамдан эшитдим. От уй ёнига келиб, безовталаниб пиширавергач, отам дарҳол йўлга тушибди. Йиқилганимда уйимизга яқин қирда ётган эканман. От отамни тўри ўша жойга бошлаб борибди».

Осмонларни бўйла, тулпорим!

Ха, от инсоннинг дўсти, ҳамроҳи. Қадимдан ота-боболаримиз бу жониворга алоҳида меҳр қўйишган. «Гўрўгли»даги Фирот, «Алломиш»даги Бойчибор бунинг яққол исботи. От бор уйда барака бўлади, от йигитнинг қаноти, деган гаплар ҳам бежизга эмас.

Азалий қадриятларимиздан бири бўлган улоқ-кўпқари ўйинларини тартиб қилиш борасида юртимизда қандай ишлар олиб борилмоқда? От спортни қай тahlит ривож топмоқда? Шу каби саволларга жавоб излаб Ўзбекистон «Улоқ-кўпқари» Федерацияси раиси, Ўзбекистон от спортни Федерацияси директори, «Ахалтеке» отчилик ассоциацияси раиси ўринбосари Жўрақўзи Турдиматов билан учрашдик. Жўрақўзи ака бизни илиқ қарш олади. Мақсадимизни билгач, минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деб бизни шу йилнинг 25 июлида Сангиота туманининг Ҳасанбой қишлоғида очилган «Ширин-сут» МЧЖ қошида «Мустанг» от спортни клубига бошлади. Йўл-йўлакай саволларимизга ҳам жавоб олди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан буюн улоқ-кўпқари бўйича вилоятларда Ўзбекистон чемпионати ва кўбги ҳамда ёшлар биринчиликлари таъбирсиз ўтказиб келинади, — деди Ж.Турдиматов. — От спортни усталари кўпайди. Узимизнинг «Қорабайир» зотли отларни қўпайтиришга алоҳида эътибор берилди бошланди. 1997 йил Федерация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди. 1998 йилда «Алломиш»нинг минг йиллигига бағишлаб Хатирчи туманидаги «Олтин сой» жамоа хўжалиги худудидаги отчопарда Республика очки биринчилиги ўтказилди, «Улоқ-кўпқари» халқ ўйини спорт турлари сафига киритилди. 1999 йил 27-29 ноябр кунлари Навоий вилоятида биринчи халқаро турнир ўтказилди. Бугунга келиб, чекка туманларимизда ҳам худудий федерациялар, улоқ-кўпқари

майдонлари ташкил этилаёпти. Яқинда Хатирчи туманида наслдор йилкичилик фермер хўжалиги ва худудий Федерация, Каттақўрғонда улоқ-кўпқари ва от спортни клуби тўздик. Тошкент вилоятининг Охангарон, Уртачирчиқ, Пискент, Бўка ва Окўрғон туманлари, шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам худудий федерациялар очилди ниятидамиз. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб 2-4 сентябрда Мустақиллик кубоги учун Тошкент вилояти «Ахалтеке — шер» от спортни клубида ҳам мусобақа ўтказдик. От спортни клуб ва мактабларини ривожлантириш ва халқаро майдонга олиб чиқишда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кўпгина мураббийларимиз чет мамлакатлардаги от спортни клубларида иш олиб бормоқда. От спортини ривожлантириб, Ўзбек чавандозлари довуруғини дунёга танитишда ҳукуматимиз, маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, ҳомийлар томонидан кўмак берилаяпти.

Қарангки, Жўрақўзи ака 2003 йилда Москва шаҳрида ўтказилган «Ахалтеке» зотли отлар ўртасида 60 километрлик масофали от пойғасида олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлган экан. Бундан ташқари, 100 дан зиёд туманда «Улоқ-кўпқари» ва От спортни худудий федерацияларини ташкил этиб, 3 нафар спорт устаси, 20 нафар спорт ус-

талигига номзод, 50 нафардан ортиқ биринчи ва 70 дан ортиқ оммавий тоифали спортчиларни тайёрлаган. Эътиборли томон, от спортни билан шуғулланувчи ўсимлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Миллий спорт ўйинларимиздан бўлган «Улоқ-кўпқари» нафрат республикамиз, балки дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига тартиб қилиб келинмоқда.

Кизгин суҳбатга берилиб «Мустанг» от спортни клубига қандай етиб келганимизни билмай қолдик. Бизни клуб раҳбари Мироллим Файзиев кутиб олиб, отхоналардан бирига бошлади. Алоҳида хоналарда наслдор отлар тизилган.

Клубни очилишидан мақсад, — дейди Мироллим Файзиев, — ёшларни от спортига жалб қилиш. Дастлаб отга қарайди, меҳр қўяди, бориб-бориб спорт устаси бўлиб етишади. Ҳозирда 12 нафар йигитни иш билан таъминлаётди. 4 та мураббий, 15 нафар ўсим отларни мусобақаларга тайёрлаш билан шуғулланади. Уларнинг ичда имконияти текланган болалар ҳам бор. Ниятимиз — шоғирларимизнинг жаҳон майдонида юртимиз байроғини баланд кўтаришига эришиш. Бу йўлда ҳамма шароит яратилаёпти.

Клуб иختиёрида саксонта от бўлиб, кўпчилиги чет элдан келтирилган. Уларнинг ярами тоғли туманларга ўрганмаганлиги боис шу ерда, қолгани Бўстонликдаги йилвода экан. Клуб раҳбари «Қорабайир», «Ахалте-

От спорти




ке» зотли, Германиядан келтирилган Гонштат Гонновер, шунингдек, Қайсар, Мустанг лақабли отлар билан таништиради. Сўнг яқинда Россиядан келтирилган 14 та от турган отхонага бошланди. Қатор четдаги пешонасида қашқаси бор қора отни кўрсатиб: «Лақаби Бойчибор, — деди фахрланиб. — Бу Қорабайир бешга кирди. Шу отдан насл олиб, янги ўзбек отларини яратмоқчимиз». У ҳаммининг диққатини тортдиқўйди. «Алломиш»даги ҳақиқий Бойчибор эди...

Отни меҳр билан силаб турган Раҳматилла исмли болани суҳбатга тортаман. — Эшим ўн тўрта, — дейди у. — Отларга қизикқанам боис шу ерга келдим. От спортни билан шуғулланаяман. Келажакда етуқ спорти бўлмоқчиман...

Бойчибор Раҳматиллани судрағудай ер тейнади. Турган жойида сакрайди. Олдинги оёқларини баланд кўтарайди. Афсоналардаги тулпорлардек тек қотади. Биз-да завқланамиз. Достонларимиздаги каби таърифга арзигулик ўзбек тулпорларини асраб, кўпайтираётган клуб аъзоларига ҳавас қилиб ортага кайтаман. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Алломишдек ўғлонлар Бойчибордек отларни тарбия қиларкан, «миллий спорт туризми» — улоқ-кўпқарининг асрлар оша яшашига, довуруғ дунёга тарқалишига ишонамиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири



Кино санъати

Шу йилнинг 19-25 октябр кунлари Ўзбекистон кино оламининг марказига айланади. Юртимизга жаҳон кинематографиясининг таниқли намоёндалари ташриф буюради. «Олтин гепард» номини олган биринчи Тошкент халқаро кинофоруми қисқа ва тўлиқ метражли ҳамда анимацион филмлар танлови бўлиб, у «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ташаббуси билан ташкил этилмоқда. «XXI аср тамаддуни — маданиятлар мулоқоти» шиори остида ўтказилаётган кинофорум дунёнинг турли давлатлари, халқлари ўртасида кино санъати воситасида маданий мулоқотни ўрнаттиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

«ОЛТИН ГЕПАРД» Ўзбекистонда илк бор халқаро кинофорум бўлиб ўтади

Ҳайрат томонидан ҳозиргача форумда намоийш этиладиган филмлар сараланди. Ҳайрат аъзолари таркибига дунё кино оламининг машҳур намоёндаларидан бири Мориц де Хадельн, россиялик танкили режиссёрлар Егор Кончаловский, продюссер, режиссёр Пегги Чао, кино танқидчи Ганс Иохим Шлегель, «Unifrance» киноташкилотни вакили Ян Раймон, Литваннинг машҳур актрисаси Ингеборга Допкунайте ва бошқалар, Ўзбекистондан эса машҳур актёр ва режиссёр Нозим Тулахўжаев, режиссёр Айюб Шаҳобиддин хонда Ёлқин Тўйчиев киритилган. Маълумотларга кўра, Европа, Осиё, Африка, Шимолӣ ва Жанубий Американинг 45 давлатидан 139 та тўлиқ метражли, 87 та анима-

цион, 74 та қисқа метражли филмлар, ўзбек кинематографларининг 250 дан ортиқ бадиий, анимацион, қисқа метражли филмларидан 42 таси танлаб олинган. Улар «Энг яхши кино учун», «Энг яхши режиссёрлик иши учун», «Энг яхши аёл роли учун», «Энг яхши эркек роли учун», «Энг яхши анимацион филм учун», «Энг яхши қисқа метражли филм учун» номинацияларида тақдирланади. Шунингдек, «Кинода долзарб мавзу», «Кинематографда замонавий технологиялардан моҳирона фойдаланганлиги учун», «Энг яхши муаллифлик фильми учун», «Санъатда маданиятлар уйғунлиги», «Кинематографда миллий урф-одатларни акс эттиргани учун» номинацияларида ҳам танлов ўтказилади. — Ўйлайманки, мазкур ан-

жуман ўзбек киноси ривожига муносиб ҳисса қўшиб, филмларимизнинг сифати яхшиланишига туртки беради. Чунки юқори даражадаги асарлар бор экан, бошқалар ҳам шунга қараб интилади, — дея фикр билдирди иқтидорли актёр Фарруҳ Соипов. Кинофорумдан гўзал туйғуларни ифода этган, томошабинни эзулиққа етакловчи филмлар ўрин олади. Ўзбек киносининг сара намуналарини дунёга танитиш, миллий кинематографиямиз ривожига ҳисса қўшиб, ёш истеъдод соҳибларини кашф қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган нуфузли санъат анжумани кўпчиликнинг эътиборини жалб қилиши шубҳасиз. **Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Хурматли истеъмолчилар!

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг асосий фаолият йўналишлари:

- аҳли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;
— истеъмолчилар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
— ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш;
— аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш;
— истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборат.
Коммунал хўжалик, умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида, газ, сув ва электр таъминоти, почта ва алоқа хизматлари, транспорт (ҳаво йўллари, темир йўл транспорти ва автотранспорт) хизмати соҳалари бўйича истеъмолчилик ҳуқуқларини таъминлаш тақдирда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Фарғона вилояти худудий бирлашмаси ҳамда туман (шаҳар) жамиятларининг қўйида келтирилган «Ишонч» телефонларига мурожаат қилишигиз мумкин.

Table with 2 columns: Region name and phone number. Includes entries for Fergana, Bukhara, Marg'ilon, Qashqadaryo, etc.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Фарғона вилояти худудий бирлашмаси ижро аппарати

Ўтганларнинг оқирати обод бўлсин
Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши, Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси бош ҳажим Тўйчибой Саримсоқовга надарин бузуқвории ЮРСУНАЛИ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тармоқ қасаба уюшмалари жамоалари кенгашининг иқтимоий суғурта бўлими йўриқчиси Анбархон Эшнӣёзовага волиди муқтарамаси ОНАЖОН ХУДОЙБЕРГАНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors and contributors.